

Бугунги  
сонда:

Алп ўғлонлар  
ўлкаси бу юрт...



Мустақил ҳаёт  
мактаби

Ўғлим, сен борсану  
НЕГА йўқдайсан?..

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2021 йил  
13 январь  
ЧОРШАНБА  
№ 3 (13356)

@haqiqatonline

14

январь –  
Ватан  
ҳимоячилари  
куни

Шу кунларда бутун юртимизда ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда.

Мазкур байрамни тантана қилиш орқали халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилаётганининг замирида жуда теран маъно бор. Зотан, бу қутлуғ байрам тинчликпарвар халқимиз ҳаётидан алпақачон чуқур ва мустақам ўрин олиб улгурган.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Армиямизнинг куч-қудрати ҳарбий хизматчилар билан бутун жамиятимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир.”



Суннат САПАРАЛИЕВ ошган сурат

Она тилим – жону дилим

## МИЛЛИЙ РУҲИЯТ КЎЗГУСИ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 21 октябрда имзоланган «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон мамлакатимизда ўзбек тилининг салоҳияти ва нуфузини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотларнинг бошланишига туртки бўлди.



Ўтган йили Президентимиз яна бир муҳим ҳужжат – “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Фармонда 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш, давлат ҳаётининг барча соҳаларида тил сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш йўллари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бу жараён уч муҳим жиҳати, яъни ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси, ушбу концепцияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда жамият ҳаётига татбиқ этиш дастурини қамраб олган.

Ҳозирги даврда тилимиз ўз миллий асосларига жадал равишда қайта бошлади, ўзбек тили миллат ҳаётининг иқтисод, сиёсат, маънавият ва маърифат каби соҳаларида ўзининг теран илдизлари билан тушди, ўзга тил таъсири остида фикрлаш одати сусайиб, миллий тилимизга хос руҳ, сўзлаш одоби, нутқий дид тикланди.

Сўнги йилларда ўзбек лугатчилиги соҳасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, аниқ бир соҳага оид изоҳли лугатларнинг нашр этилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Қолаверса, фармонда ҳам айнан изоҳли лугат ва атамалар, тилшуносликка оид лугатлар яратилиши ҳамда Давлат тилида иш юритишга оид устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

(Давоми 2-саҳифада)

## Вилоят бўйлаб



Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар ТОШКЕНТ туманида бўлишди.

Туман ҳокими Одилхон Рустамов меҳмонларни Келес шаҳрида амалга оширилган курилиш-бунёдкорлик жараёнлари билан таништирди.

Шунингдек, делегация аъзолари Хотира майдони, “Универсал спорт мажмуаси”, амфитеатр, Маданият саройи ва туман марказий шифохонасини кўздан кечиришди.

Таширфидан мақсад эса – тумандаги кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар жараёни билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш ва биргаликда иш юритишнинг янги имкониятларини очишдир.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманида фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги “ТСТ CLUSTER” масъулияти чекланган жамияти қошида уруғчиликни ривожлантириш маркази ташкил этиладиган бўлди.

Мазкур марказнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори авлодди уруғларини етиштириш, уруғчилик соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, селекция ва уруғчилик соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлашдан иборат.

ҚИБРАЙ туманидаги “Ифтихор” маҳалласида фаолият юритаётган “Genius Kids Academy” хусусий нодавлат мактабгача таълим ташкилида болаларга америкалик педагог-тарбиячи Мисс Фортуна хоним илк инглиз тили сабоқларини бермоқда.

Богчада тарбияланаётган 50 нафарга яқин болалар халқаро таълим стандартлари асосида ўтилаётган машғулотларда катта қизиқиш билан шугулланишмоқда. Қолаверса, богчада кичкинтойларнинг жисмонан соғлом бўлиб ўсишлари учун спорт тўғрисидаги ҳам ташкил этилган.

Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпитали ва БЎСТОНЛИҚ тумани тиббиёт бирлашмаси мутахассислари томонидан “Пском”, “Такаёғоқ” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўриқда аҳолига малакали шифокорлар бепул хизмат кўрсатишди.

Ёшлар иттифоқи ОҚҚЎРҒОН тумани кенгаши, туман мудофаа ишлари ва халқ таълими бўлимлари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкорлигида “Темурбеклар” тадбири ўтказилди.

Ватанпарварлик ойлиги доирасида ҳарбийлаштирилган спорт мусобақасининг саралаш босқичи 44, 9, 18, 35, 23, 30- умумтаълим мактаблари жамоалари иштирокида ташкил этилди.

## ОИЛАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Президенти-Мажлиси Мурожатномасида Қуролли Кучларимизда қудратни, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.



2

## ҚУТҚАРУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ БИНО

Оҳангарон туманининг Наманган вилояти билан чегарадош ҳудуддаги “Кўксарой” маҳалла фуқаролар йиғинида “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасининг “Бешқўл” авария-қутқарув отряди навбатчилик пунктининг биноси фойдаланишга топширилди.

Тухфа



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни арафасида очилган мазкур иншоот қутқарувчилар учун ҳақиқий байрам тухфаси бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Абдулла Қўлдошев, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Миршохид Мирюнов, фахрий меҳмонлар, ФВВ академияси курсантлари ва ФВБ хизматчилари иштирок этди.

Ўтган давр мобайнида “Қамчиқ”



махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси томонидан довол ҳудуди аҳолисини табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид билимларини мустаҳкамлаш, қутқарув тузилмаларини замонавий авария-қутқарув техникалари билан таъминлаш, моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда авария-қутқарув отря-

дига махсус техникалар капиталари тантанали равишда топширилди.

Мудофаа вазирлиги қошидаги ансамбль хонанди созандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

ЎЗА



Муносабат

**Президентимизнинг 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб, эришилган натижалар ва келгусидаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.**



беради.

Дастлабки эшитув инсти-тутининг жорий қилиниши суд-ларда ишларни кўришда инсон ҳуқуқлари ва кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг баҳслаша олиш тамойилини амалда рўёбга чиқаришга, жиноят ишини умумий асосларда кўришга монелик қилаётган сабабларни ўз вақтида бартараф этиш имко-ниятини берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишуви принципига сўзсиз риоя қилинишига, суд муҳокама-си давомида мақбул далиллардан фойдаланиш учун имкон яра-

ишончли ҳимоя қилиш, бунинг оқи-батда жабр тортадиган ҳар бир оила ва унинг аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдири ҳамда келажаги-ни турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишга, ўз ои-ласи бағрида бўлиб, оиласи тақди-ри билан шахсан шугулланишига замин яратлади.

Президентимиз ўз маъруза-сида, шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш, бу борада Инсон ҳуқуқлари маркази ва Омбудсман ваколатини кенгайтириш, жамо-атчилик назоратини кучайтириш, ҳар чорада Омбудсман томони-дан тергов ҳибсхоналари ва жа-зони ижро этиш муассасаларида мониторинг ўтказиш ва аниқлан-ган ҳолатлар бўйича Олий Маж-лис палаталарига ҳисобот тақдим қилиш амалиётини жорий этиш ҳақидаги тақлифларни ҳам ил-гари сурди. Бу тақлифнинг ама-лиётга татбиқ этилиши нихоят-да муҳим. Чунки, айни жиҳат суд-тергов фаолиятида фуқаро-ларнинг ҳуқуқлари, эркинликла-ри ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиниши, уларнинг шаъни ҳамда кадр-қим-мати камситилишига йўл қўйма-лик, муҳими, суд ва тергов орган-ларининг масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса муҳофазатда одамларнинг ҳуқуқни пуровардига қилувчи орган-ларга ва судга бўлган ишончини ошириб боришга имкон беради.

**Дилшод ТОЖИБОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
вилоят суди раиси

Эзгулик



# Эхшилар бор бўлсин

**Ўн қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, қаби-лида саховатли ишларни амал-га оширувчи инсонлар ҳақида эшитганимизда, беихтиёр бор бўлсин яхшилар, деймиз.**

Бекобод туманининг "Ачамайли" маҳалласи-да яшовчи Олланазар Худойбердиевни маҳал-ладошлари қўли очик, саховатли инсон дея, алқашади. У узоқ йиллар қишлоқ ҳўжалиги соҳа-сида самарали меҳнат қилиб, йўлларга шағал ётқизиш, дала шийпони, ёзги клуб, чойхона қури-лишига бош бўлди, қўлдан келганича одамлар яхши яшаши учун фидойилик кўрсатди.

Олланазар ота 2019 йилдан бери шахсий жамғармасидан маблағ ажратиб, маҳалладаги 48-мактабнинг олийгоҳга кирган 8 ўқувчисига 1 миллион сўмдан, 2 нафар ўқитувчига эса 100 минг сўмдан пул мукофоти беради. Шунингдек, ўтган йили олийгоҳ талабаси бўлган 25 нафар ёшларни ҳам хожи ота пул мукофоти билан рағ-батлангирди.

Маҳалламизда Олланазар отани ҳамма ҳурмат қилади, — дейди маҳалла фаоли Абду-мутал Бобоев. — Отахон каби саховатли ин-сонлар кўпайсин.

**А. ҲУСАНОВА**

# СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Мурожаатномада ҳам суд мус-тақиллигини тўлиқ таъминлаш энг муҳим вазифалардан эканли-ги ва бу борадаги изчил ислохот-лар бундан буён ҳам давом этти-рилиши таъкидланди.

Жазо тизимини либерал-лаштирилиши муносабати билан 2020 йилда жиноят содир қилган 74 фоиз шахсга нисба-тан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо-лар тайинлангани, шунингдек, халқимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, кеңирилик каби ўзига хос қадриятларининг чин маънодаги юксак намунаси сифатида жиноят содир қилган 616 нафар шахснинг афв этил-гани, 719 нафарига нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани ҳам

бунинг тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари охириги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳаси-ни ислох қилиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги, адолат ва қо-нун устуворлигини таъминлашда

оворагарчилигининг олдини ола-ди.

Ортиқча суд инстанцияларини бекор қилиш йўли билан "бир суд — бир инстанция" тамойили жо-рий қилиниши эса туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қа-

суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўрин-ни эгаллаши зарурлиги, соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талай эканлигини қайд этди.

Масалан, 2021 йилда вилоят ва унга тенглаштирилган фуқа-ролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашуви сақланиб, суд ишларини юритиш турлари бў-йича алоҳида судлов ҳайъат-лари ташкил этиладиган бўлди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар умумюрисдик-ция судлари ташкил этилиши ҳудудларда ягона суд амалиёти-ни шакллантириши фуқаролар ва тадбиркорларнинг ортиқча

роларини вилоят даражасида-ги судлар томонидан апелляция тартибиде, апелляция тартибиде қўрилган суд қарорларини эса Олий суд томонидан кассация тартибиде қайта кўриб чиқиш, кассация тартибиде кўриб чиқил-ган ишлар бўйича суд қарорлари-ни эса Олий суд раиси, Бош про-курор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тарти-биде такроран кўриб чиқиш йўлга қўйилиши, суд ишларини назорат ҳудудларда кўриш институти туга-тилиши судда ҳар бир иш бўйича якуний ҳулоса чиқариш имконини

тишга хизмат қилади.

Эътиборлиси, эндиликда ман-зил колонияларни қисқартириш ва озодликдан маҳрум қилиш жа-золари энгилроқ жазога алмашти-рилса тўғридан-тўғри пробация хизматиға ўтказилиши, жазони энгилпроги билан алмаштириш ва шартли озод қилиш ҳақида тақдим-нона киритиш ваколатини жазони ижро этиш колонияси раҳбарла-ридан янги ташкил қилинаётган "Инсонпарварлик комиссияси"га ўтказиш ҳақидаги тақлифлари ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахс-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини

## ЭНГ НУФУЗЛИ КАСБ

**Давлатимиз раҳба-рининг Олий Маж-лисга Мурожаатномасида эришилган ютуқлар билан бирга ривожланиш-га тўсиқ бўлувчи баъзи омиллар борасида таҳли-лий ва тандиқий мулоҳа-залар билдирилди.**

Барча соҳалар бўйича маъ-лумотлар келтириш асосида ёшлар ҳаёти ва уларнинг таъ-лим-тарбиясига дахлдор бўлган ўқитувчиларнинг ўрни ва масъу-лияти ҳақида алоҳида тўхталин-ди.

Ўқитувчи ва педагогларнинг ижтимоий мавқеини кўтариш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг изчил давоми сифатида 2021 йилда устама ҳақ тўлаш тизими-нинг йўлга қўйилиши Президен-тимизнинг "Жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим", деган таъ-кидиға мос келади.

Аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун ме-тодик қўлланмаларни халқаро талабларга мослаштириш, ўқув-чиларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривож-лантириш учун янги дарслик-лар яратиш, болаларга ортиқча юклама бермайдиган миллий ўқув дастури жорий этиш вақти келганини ўқтирди.

Тан олиш керак, айрим дарс-лик ва қўлланмаларда ҳали ҳам эски усулдан воз кечилмаган, ҳаёт билан боғлиқлик йўқ. Таъ-лим қозонида қайнамаган, укув-сиз олимлар томонидан ёзилган дарсликларда ўқувчининг ёш ва психологик хусусиятлари эъ-тиборга олинмаган. Бу сўзсиз, ўқувчининг қизиқишини сўнди-ради.

Бугунги кунда таълимда сиф-ат ва самарадорликка эри-шишда давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси ҳар биримиз учун тенгсиз дастуриламалдир.

**Райҳон КЕНЖАБЕКОВА,**  
Зангиота туманидаги  
21-мактаб ўқитувчиси

Эълон

### "УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ" ДК ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ

2021 йил ҳосили учун уруғлик пахта етказиб бериш бўйича фермер ҳўжаликлари, агрокластерлар, МЧЖлар ўртасида

**танлов ўтказишини эълон қилади.**

Танловда иштирок этиш истагини билдирган фермер ҳў-жаликлари, агрокластерлар, МЧЖлар раҳбарларининг ари-залари туманлар Қишлоқ ҳўжалиги бўлимида 2021 йил 15 ян-вардан 15 февралга қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун тел./телеграмм: **+998 97 420-19-63.**  
Электрон почта: **toshkent@urugmarkaz.uz.**



**13-15 январь кунлари респуб-ликаимизнинг тоғли туманлари-да қор кўчиши хавфи бор.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология мар-казининг хабар беришича, 13 январь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, кечаси айрим жойларда бироз ёғингар-чилик бўлади (ёмғир, қор ёғади). Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Ғарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгарти-риб, шарқдан секундиға 7-12 метр тезлик-да эсади. Кечаси 2 даража совуқ, 3 дара-жа илиқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Ажаб савдолар

**Кўпинча шунақа бўлади: катта жанжал майда гапдан бошланади, кўзусий хато катта фожеяларга доялик қилади. Унинг асорати баъзан бутун умра татийди. Жабрини эса, айбдорлар ҳам, беғуноҳлар ҳам баравар тортишади.**

**Яна билмадим, балки мен янглишаётгандирман, бир оз кескин ҳулоса чиқараётгандирман. Лекин, бир вақтлар тахририятимизга нажот ис-таб келган аёлнинг куйидаги дил ҳасратини тинлаганимда, хаёлимни негадир шу ўйлар тарқ этмади.**

**Келинг, яхшиси, сиз ҳам унинг арзи-ҳолини ўз тилидан эшитинг:**

Мен ўн саккиз ёшимда турмуш кўрдим. Кетма-кет этти ўғил кўр-дим. Шундан бештаси кўз ўнгимда — соғ-саломат. Биттаси гудакнигидайёқ нобуд бўлган. Энг кенжам эса...

Худого шукр, у ҳам тирик. Ҳозир олти ойлик. Борлиққа бору, аммо мен учун гўё йўқдек. Шоир айтмоқ-чи, кул остида қолган чўғдек. Чунки... бағримда эмас, бировнинг қўлида. Мен уни туққанымдан буён қайтиб ололмайман, бир лаҳза бўлсин, кўк-симға босолмайман. Ўзим кесган угра ошини ўзим ичолмайман, хатолар-римдан воз кечолмайман.

"Нега?" дейсизми, унда мен бир бошидан айтай, сиз қулоқ тутинг. Зора, шунда дардим бир оз энгил-ласа, зора, орзу-армоним ушал-са...

Биз қишлоқда яшаймиз. Эрим од-дий тракторчи. Оғир меҳнатдан қоч-майди. Лекин, ойлаб маош олмайдди. Шундай эса-да, эски "пат-пат"ини ташламайди. Қайтага торморқдан топганини ҳам уни тузатишга сарф-лайди.

Сурпақодимға юкли бўлган кез-ларим эди. Катта-кичик болаларим ҳовлида ўзлари билан ўзлари ан-дармон. Бир маҳал хамир қориб,

## ЎҒЛИМ,

нон ёпаёқ деб сандқини очсам, ун туғул урвоқ ҳам қолмабди. Эримға айтгандим, пинак ҳам бузмади. Одатдагидек: "Пул йўқ!" деди-ю, индамай қуруқ чойини ичиб ўти-раверди. Унинг боқибегамлигидан зардам қайнаб кетди.

— Сиз ҳам мундоқ бошқаларға ўхшаб пул топсангиз-чи. Токайғача шу шартти кетиб, парти қолган шалоқ аравангизға ёпишиб опасиз? — де-дим ўзимни босолмай.

— Учир овозингни! — Эрим бирдан тутқиб кетди. — Менға бировларни мисол келтирма, — деди кўзларини чақчайтириб. — Бошқа иш қўлим-дан келмайди, бўлганим шу, тушун-дингми?

Жаҳл келганда, ақл кетади. Мен эримни тушунадиган ҳолатда эмас-дим.

— Ҳо, — дедим паст тушмай, — қаторлаштириб бола қумалоқлатишни биласизу, боқини билмайсизми? Яна кутурган туядек пишқирганингиз-ға ўлайми?

— Йўқол! — Эрим ўрнидан сапчиб тураётди, хонтахтани зарб билан муштлади. Дастурхондаги чойнак ағдарилиб, ичидаги иссиқ чой тиз-засига тома бошлаганиға парво ҳам қилмади. — Кўзимға кўринма, манжалақи! — У иккинчи бор хон-тахтаға мушт урди-да, чап қўлидаги пиёлани қулчоқлаб деворға қа-раб отди. — Мани топганимға қаноат қилмасанг, ана, катта кўча! — деди озгидан қўпик сачратиб. — Болалар-рингни ўзинг боқиб олавер, — деди

қўйиб юбормоқчи бўлиб юрганди. Кўзим ёриганини эшитиб, эл қатори мени кўргани келди. Гап орасида дардини айтиб, зор-зор қақшади. "Турмушим бузилиб кетмасин, ил-тимос, янға, шу болангизни менға беринг. Уни мен боқиб олай, зора, ирим-жирими жойиға тушиб, бў-йимда бўлса..." дея ялиниб туриб олди. Аҳийри, ниятиға етди. Туғу-руқхондан чиқишим арафасида нотаниш кишилар билан бирға ўзи тўғрилаб келган аллақандай қоғоз-

ни кутиб юрган экан шекилли, дарҳол олдимға тушиб, йўл бошлади.

Бўлам муддаомизни англаб, хомуш тортса-да, қаршилик билдирмади.

— Энди, инмайам қилардиқ, зори-миз бору, зўримиз йўқ. Гудак сизлар-ники, ана, келганидан буён биғиллаб йинглаб ётибди бечора, олиб кетаве-ринлар, — деди.

Бирок хотини қайсарлик қилди. — Мен болани қонунийлаштириб олганман. Қайға борсангиз-боринг, қайтариб олишға ҳаққингиз йўқ! — дея оёқ тираб туриб олди.

Холам бояқшининг насиҳатла-рию, эрининг дўқ-пўлисаларига ҳам, менинги йиғи-илтижоларимға ҳам қу-лоқ осмади. Кейинги боришимизда эса, олдимизға битта шарт қўйди: "Нақд йиғирма миллион сўм пул то-либ келинг, марҳамат, чақалоқ ўзла-рингни бўлади", деди. (Уша пайт-лар бу нихоятда катта пул эди)

Вожааб, бу қандай гап, қандай андишасизлик? Бу қандай болафу-рушлик? Энди бир камим ўз боло-ни ўзим сотиб оламани? Бировға қилмоқчи бўлган яхшилигим эвазига ёмонлик қўраманми? Онаға бундан ортиқ қўрулик, бундан ортиқ азоб борми?..

Турган гап, бошқа иложимиз қол-маган, судға мурожаат этдик. Шун-гайрим йилдан ошаптай. Лекин қонуншунослар ишни кўришни чўз-гандан-чўзишайпти. Бу орада мен ичкииб, адои тамом бўлдим. Неча бор касал бўлиб, ётиб қолдим.

Сизлардан илтимос, шу ишға бош қўшсангизлар, ўғлимни тезроқ қайта-риб олишимға ёрдам берсангизлар. Ахир, қачонгача боланим соғиниб, унга интиқ бўлиб яшайман...

**Эзиб олувчи:**  
**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

<p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p>	<p><b>Муассис:</b> <b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ</b> <b>ҲОКИМЛИГИ</b></p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> <b>Ғайрат</b> <b>ШЕРАЛИЕВ</b></p>	<p><b>Телефонлари:</b> Қабулхона: (71) 233-64-95 Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10 Масъул котиб: (71) 233-90-82 Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10</p>	<p><b>Манзилимиз:</b> 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.</p> <p><b>Тошкент шаҳридаги офисимиз:</b> 100000, Матбўтчилар кўчаси, 32.</p> <p><i>Ҳафтаинанг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.</i></p>	<p>Навбатчи муҳаррир <b>Кумуш</b> <b>ЭГАМБЕРДИЕВА</b></p> <p>Назоратчи мусахҳиҳ <b>Аллома</b> <b>АЗИЗОВА</b></p> <p>Навбатчи <b>Мансур</b> <b>ҲИММАТОВ</b></p>
	<p>Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи — 205. Буюртма Г-135. 5 011 нусхада чоп этилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.</p>	<p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-насида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. <b>Электрон почта:</b> toshkenthqiqati@gmail.uz</p>	<p>ISSN 2010-9318. <i>Босишға топшириш вақти — 21.00. Босишға топширилди — 19.00</i> 1 2 3 4 5 6</p>		

# ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА ҚўМАКЛАШУВЧИ “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

*аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар,  
ҳарбий хизматчилар ва фахрийларни*



**Ўзбекистон Республикаси  
Қуролли Кучлари**

**ташқил этилганининг 29 йиллиги ва  
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

*билан қутлайди!*



*Миллий армиялизнинг жанговар қобилияти ва мамлакатилиз мудофаа қудра-  
тини янада оширили йўлидаги савб-ҳаракатларингизда зафарлар тилайлиз!  
Ватанилизга сизқидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этилигда  
мустаққам соғлик, кўч-сайрат, оилаларингизга фойиз-баракка ёр бўлисин!*